
Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди, гап унга муносабат, ечимида

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги томонидан ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, халқнинг турли соҳаларга оид муаммоларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этиш мақсадида аҳолининг мурожаатлари билан доимий ишлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Кеча, туман ҳокимининг ижтимоий тармоқдаги расмий саҳифаси орқали “Эски Яйпан” маҳалласида яшовчи фуқаро томонидан ҳудуддаги 3-давлат МТТ нинг айрим гуруҳ хоналари жиҳозлари таъмирталаблиги, ушбу масалани ижобий ҳал этишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинди.



Бевосита туман ҳокимининг кўрсатмаси ва назорати остида, туман мактабгача таълим бўлими томонидан кўрилган чоралар натижасида шу куннинг ўзида **боғчанинг 2 та гуруҳидаги болажонлар учун 60 жамланма янги стол-стуллар етказиб берилди ва фуқаро мурожаати бир кунда ҳал этилди.**

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати